

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

ЗУЛФИЯ

ОЛТИН КУЗ

Севаман, олтин куз, севаман
жондан,
Атлас табиатли гўзал чоғингни.
Дарахтлар либоси ранго ранг,
гулгун,
Кузни эркалаган чаман
боғингни.

Севаман, ерларга рангдор
япроқлар,
Юмшоқ ва ранг-баранг гилам
тўшаса,
Гул тергандай териб барг
қизалоқлар,
Кушлардай гурпанглаб яйраб
ўйнаса...

Симоб тўлқинлари тутиб
осмонни,
Муттасил ёмғирлар зериктирса
ҳам,
Кумуш булоқларнинг сувлари
сокин,
Кушлар инларига кириб олса
ҳам.

Мен ғамгин боқмайман,
кўнглимда баҳор,
Олтин япроқларга қараб
толмайман.
Ясан келинчақдай ҳар бир
дарахтни
Севаман! Нигоҳим уза
олмайман...

Севаман, олтин куз, севаман
жондан!
Товусдай безанган дарахт,
боғларни
Ёмғирли оқшоминг, қуёшли
тонгинг,
Хаёлга чўмганим гўзал онларни!



К
Е
Й
И
Н
Г
И

БИЛДИРУВ

Машҳур ёзувчи Тоҳир Мапикнинг «Шайтанат» китоби (учинчи қисми) босмадан чиқди. Китоб ҳозирги кунда қўлма-қўл бўлиб ўқилмоқда. Қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Таҳририят ноябрь ойида ёзувчи билан учрашув ташкиллаштирган.

Ушбу китоб ҳақидаги ўз фикр мулоҳазаларингизни бизга бемаъл ол ёзиб юборишингиз мумкин.

Ёзувчи билан мулоқот сизнинг мактубларингиз асосида бўлади.

Айтгандай, ушбу китоб энг арзон нархда Тошкент, Матбуот-чипар кучаси 32-уйда совғаси билан 135-сўмдан сотилмоқда.

С
О
Н
Л
А
Р
Д
А



Азиз муштарийлар, 1998 йил учун
газетамизга обуна давом этаяпти!
Барчангиз учун сеvimли "Ойла ва жамият" газетаси
сизларга мунгазир.

ОБУНА - 98

ОБУНА ИНДЕКСИ: 176
ТАШКИЛОТЛАР УЧУН: 177

Ахборот

**ҚИЗИҚАРЛИ
УЧРАШУВ**

Яқинда Булунгур тумани хотин-қизлар кумитаси ва ЗАГС бўлими ҳамкорликда «Қайнонам онам менинг, келиним қизим менинг» мавзуда семинар-кенгаш ўтказишди. Тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳалла кумиталари раислари, маҳаллалардаги хотин-қизлар кумиталари раислари иштирок этган анжуманда оилалар мустақамлигини таъминлаш, қайнона-келин муносабатлари ҳақида суз борди. Таъдир еш келин-куевларнинг 40-50 йилдан бери бир ёстиққа бош қуйиб, яхши фарзандлар, набиралар устирган Эргашевлар ва Охунжоновлар оилалари билан учрашувига уланиб кетди. Пиру-бадавлат отахону-онахонлар ешларга уз ҳаётлари, турмуш нозикликлари ҳақида сўзлаб беришди.

Семинар-кенгашда вилоят ЗАГС бўлими муdiri Роза Хусайнова ҳамда туман ҳокими муовини, туман хотин-қизлар кумитаси раиси Мусаввара Имомова иштирок этишди.

Насиба МАҲМАТҚУЛОВА,
туман ЗАГС бўлими муdiri,
Самарқанд вилояти

— Сизни яхши кураман, Шакархон опа.
— Оббо, ермозорлигим-эй... — оҳиста бағрига босади у.

Она каби босади бағрига.
Она каби таъмасиз унади.

«Ермозорлиги» булганим учун эмс, имоним комилки, у Фарғонанинг турфа исли бир миллион гуллари — аёлларидан ҳар бирига ана шу бетаъма меҳрини бера олади. Ҳар бир гул дардига маҳкам бўлмоқ учун юзта жони бўлса, багардон этгани тайёр турлади.

Ўзбекистон истиқлолга эришган биринчи йил эди чоғимда. Шакархон опани учратиб қолдим. Хазина топиб олгандай хурсанд.

— Маҳфузахон, Қуқондаги заводлардан бирида аёллар учун қисқартirilган иш куни жорий этилибди. Бу шунақа эр хушхабарки, бутун Ўзбекистонга жар солса арзийди....

Чамаси, менда уз қувончига акс-садо топмади шекилли, ҳафсаласи пир бўлиб деди:

— Ишчи аёлнинг бир минутли меҳнати қадрини ишчи булганига билади, сингил-жон, опангизнинг сочлари бекорга барвақт оқарган, оққари бекорга оғрийди дейсизми....

— Шакархон опа, хушхабарни аввалроқ эшитгандим....

Разм солиб юрсам, Шакархон опа уз тақдирини Фарғона аёли тақдирини билан ҳамбарчас боғлаб қуйибди. Юкли аёллар ҳомиласи 5-6 ойлигида декрет отпускасига чиқалиган булганда қувонганини айтмайми? Жойларда хотин-қизлар кумиталари қайта тузилиб, фаоллар маош олиб ишлайдиган булгандаги севинчларини айтмайми? Мустақил Ўзбекистон Президенти Фармони билан хотин-қизларни юқори лавозимларга кутариш бошлангандаги шодликларини дейми? Худди шу имтиёزلардан ўзи баҳра-

МИЛЛИОН БИР ГУЛГА ТУТАШ ЖОН

Вилоят ҳокимлигининг хотин-қизлар билан ишлаш бўлими мутахассиси, Меҳнат қаҳрамони Шакархон МИРЗАБОБОВА суратига чизилар

манд буладиганай! Ахир, Шакархон опанинг жони Фарғонанинг бир миллионли аёллари жонига туташ булгач, гапларига гамгуюру, қулгударига вобаста булгач, қувонмасинми, айрамасинми....

— Баъзи аёлларимиз алла айтишни биллишмайди. Алла — бу Аллоҳ, демақдир. Алланинг ҳар бир сатри — Аллоҳга муножот, Аллоҳга илтижо. Аёлларимиз иссиқ-совуқ маъракаларининг узига хос айтимларидан беҳабарлар. На ер-ерни эшлаб айтишадди, на йиги-йигитини ўтказишни биллишадди!

Бу сингари ҳақли таъналар аёлларнинг етакчиларига ҳам даҳлдор эди, албатта. Миллий анъаналаримизнинг қумилмаган узанлари тозаланиб, урф-одатларимиз бутунги замон руҳи-ла йўғрилиб борарди. Иқболимиздан эмасми бу?

Хотин-қизлар етакчилари аёлларни таъналардан қутқариш йўллари излай бошлади. Топишди. Ешлар қалбида утмиш меросга меҳр-муҳаббат уйғота оладиган беллашувлар ташкил этишга киришилди. «Урф-одатларимиз — ҳаётимиз курки» пиори остида бошланган беллашувлар вилоят миқёсида етти ешдан етмиш енгача булган гуллару, қайвониларни оҳанрабодай узига тортди-қуйди.

Ушанда Шакархон опа 10 ешга яшариб кетди-ёв.

— Халқимиз кони хазина-я! Кекса онахонларнинг илҳомию, гайратига офарин дейсиз. Ешларнинг миллий кушиқларга чанқоклигию, иқтидорига тан бермасдан илжойқ. Ўзбекистон туманида бир қиз ер-ерни шунақа айтдики, йиглаб утириб эшитдим. Узимдан ҳижолат бўлиб, секин сенимга қарасам, шерикларим ҳам кузларини артишяпти. — хурсандликдан тулиб-тошиб гапирарди опа. — Одамлар ҳам оқиб келди ўзи.

Халқ қалбига кириб борган, урф-одатларимизни тиклашга туртки берган беллашувларни уюштира олган хотин-қизлар етакчиларига балли! Тарафқашликлардан бутқиларда, яшшаб турган гулларини бағрига бошнини унутмаган Шакархон опага балли!

Маҳфуза УСМОНОВА,
Фарғона



ОИЛА ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Конституция куни арафасида

Барча нарса жуфт-жуфт бўлиб яратилган экан, жуфт бўлиб яшаш табиат тақозосидир. Лекин оила бўлиб яшаш барча маҳлуқот орасида фақат Одам наслига хосдир. Ер юзидида биринчи оилани Одам Ато билан Момо Ҳаво тузишгани ҳам шундан.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бугинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланган», — деб қўрсатиб утилган. Молданинг халққаро ҳуқуқ нормаларига мослиги шунда қуринадики, 1948 йил қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси»нинг 16-моддасида «Никоҳ, ни-

коҳдан уаётган иккала томоннинг хоҳиши ва батамом розилиги билангина тузилиши мумкин. Оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасидир ва у жамият, давлат томонидан муҳофаза этилиш ҳуқуқига эгадир», деб ёзиб қўйилган.

Ушбу нормалар бошқа қатор халққаро актлар, жумладан, 1966 йилги «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халққаро пакт»да, 1966 йилги «Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халққаро пакт»да белгилаб қўйилган қоидаларга ҳам ҳамоҳандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 9 декабрда «Бола ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенцияни ра-

тификация қилиши билан болалар алоҳида гаҳмурилик ва ҳимоя ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 103-Конвенцияга, 1979 йил 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенцияга қўшилиши давлатимизнинг оилани ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва мустақамлашга қаратилган адолатли қадмаларидан деб биламиз.

Шу билан бирга, мустақил Республикамиз демократик ҳуқуқий давлат қуришни узининг асосий мақсади қилиб қўйган экан, фақат тан олинган халққаро

ҳуқуқ нормаларига таъйибгина қўлмай, балки Шарқ халқларининг узига хос турмуш тарзига мослашган, асрлар давомида синовдан утган мусулмончилик қонун-қоидаларининг оила ва жамиятга оид ижобий томонлари илмий жиҳатдан асослаб берилиши ва қонуларимизда уз аксини топиши ҳам мақсада мувофиқ.

Умуман олганда, оилани мустақамлашда ҳуқуқий, диний билимлар тарғиб қилинишининг аҳамияти беҳиёра каттадир.

Бегалмжон ПАКИРОВ,
Тошкент давлат юридик
институтини 4-курс талабаси

АҚШда «Инсоният тарихига кучли таъсир ўтказган 100 нафар аёл» деб номланган китоб нашр этилган. Унинг муаллифи Дебора Фелдер. Муаллиф «сунният пираттан аёллар» ҳақида ёзган бу китобда бир қадар «маҳаллийчилик»ка йул қўйган. Гап шундаки, унинг асаридидаги машхур аёлларнинг ярмидан кўпи америкаликлар. АҚШнинг собиқ президенти Рузвельтнинг умр йўлоши Эленора биринчилар қаторида тилга олинган. Ундан кейин машхур олима Мария Складовская-Кюри ва аёллар озолиги йўлида қурашган Маргарет Сөнгер номлари келади. Китобдаги руйхат бўйича 83-уринда дунёга машхур «Сезам кучаси» телекурсатувиға асос солган аёл ҳақида ҳижоқ қилинса, ундан кейин Миср қалқаси Клеопатра тилга олинади. Чамаси, муаллиф аёлларнинг «бугунги кунда машхурлиги» билан уларнинг «инсоният тарихига қўрсатган кучли таъсирини» қоршиштириб йўборган қуринади.

хат Мотишев билан суҳбат эълон қилинган ва шу суҳбат баҳона Асхат шаҳарининг энг машхур кишиларидан бирига айланди. Газетанинг хабарича, Асхатнинг «сиридан» фақат унинг ота-онаси ва энг яқин кишилари хабардор бўлишган. Хуллас, «сир» шундаки, болақай табиатнинг гаройиб «ҳазили» туфайли бошқачароқ туғилган, яъни унинг юраги одадгадиди чағда эмас, аксинча унг тарафда, жигари эса чап тарафда жойлашган. Бу — чиндан ажойиб ҳодиса. Бошқа жиҳатлардан эса Асхат оддий болақайлардан айтарли фарқ қилмайди. Энг яқин кўрган даси — жисмоний тарбия, мултқиларини ва расм чизишни еқтиради. Узининг шахсий итига эга бўлишни орзу қилади.

Шаҳар транспортдида йўловчилардан йул ҳақини ундириб қилиш, энг муҳими, «куен»ларни қулдан чиқариб юбормаслик учун ҳар хил йўлар йўлаб топилиши маълум. Японияда автобусларда патта берувчи уригига шаҳар ҳокимининг резинадач асалган нуусасини қуйиб қуйи парқан. Ҳар ҳолда «куз-кузга туш анда» ҳурматсиз-



ликка ўрин қолмаса керак-да. Россиянинг Смоленск шаҳрида бу муаммони анъанавий усулда ҳал этишга уриниб қуришди. Хи-соблаб қуришса, кондуктор сақлагда автобусларда қатнайидиган йўловчилардан тушалиган фойла хийла ошаркан. Хуллас, янги кондукторлик жойларига илсиз юрган уқитувчилар, инженерлардан 210 киши илға олинди.... ва улар атиги бир кун илғлагач, жуфтакни рослашга мажбур булади. Маълум бўлишича, шаҳар йўловчи транспортларидаги «куен»лардан патта пули ундиршининг уз бўлмас экан. Илсизлик ва бошқа қийинчиликдан йўлчилашиб кетган айрим йўловчилар туғридан-туғри патта сураган кондукторларга ташланишган.

Германиялик тиббиёт ҳодимлари кейинги пайтларда «Driguet» синдроми» деган атамани тез-тез қуллайдиган бўлишди. Бунга айрим беморларнинг инжикликлари сабаб булди. Жумладан, 34 ешли Петр К. ошқозони ва ичаклари қаттиқ оғришидан шикоят қилиб тез ердамга мувожаат қилади. Хирурглар тезкорлик билан операция қилишганда, беморда бирор-бир касалдик аломати топилолмади. Операция учун касалхона хисобидан ярим миллион марка харажат қилинади. 48 ешли Инга П. эса иккита клиникада етиб, саккиз врачнинг қулдида даволаналди. Уз қурагидаги оғриқдан, юраги тез уришидан, бугинлари шамоллаганини айтиб, врачларнинг даволашмаётганидан шикоят қилади. Врачлар эса унинг сонпа-сон ежаллигини тасдиқлашадди. Бундай беморлар маълум бўлишича, бир ойда етти кун касаллиги туфайли ишдан озо бўлишаркан, узларнинг 80 фоизи вақтидан олдин нафақага чиқаркан.

Германиялик рухшуносларнинг таъкиллашича, узини касал деб ишонини синдроми касалликлар ҳақида кўп гапирадиган, дори-дармонлар тўғрисидаги рекламаларини қанда қилмай қуриб борадиган,

медицина ҳақидаги курсатувлар, турли касалликлар ҳақидаги мақолаларга қаттиқ қизиқадиган кишиларда кўп учрар экан.

Кустанайлик Сарсенбой Додановнинг омади чоғди. У Козогистонда чиқалиган «Караван» хафталик газетаси ўтказган танловда голиб чиқди. Танлов шартига қура С. Доданов Козогистон президенти Нурсултон Назарбоевга энг ухшаш киши, деб топилиди. Кустанайлик 40 ешли бу йигитнинг республика раҳбарига қуйиб қўйгандай ухшаб кетиши танлов ҳайратини ҳар жиҳатдан лол қолдирди ва ҳайрат танловнинг бош соврини — миң доллар мукофотни С. Додановга беришга қарор қилди. Маълум бўлишича, бу ухшаш ҳақларнинг таржумани ҳолларида ҳам уйқаш томонлар бор экан: С. Доданов ҳам бир пайтлар партия ташкилоти котиби булган, унинг ҳам уч нафар фарзанди бор... Ухшатмаса учратмас, деб шунни айтсалар керак-да.

ҚАССОБГА ЁР ҚАЙҒУСИ...

(Ҳикоя)

Абдиев тушақда ҳолсизгина чузилиб ётаркан, Ҳуснорахон билан кунди ёрилиб, суҳбат кургиси, роҳатланиб дилкашлик қилгиси, нималарнидир деб, мактабни гўборини ёзгиси келиб кетди. Ҳуснорахонни кучоғига тортаркан:

— Қалайман? — деб ҳиринглади.
— Зурсиз, — деган жавобни олиб талтайди.

— Мендақаси ҳеч булганми?

— Қайда, мен унақа қиз эмасдим. Фақат сиз ёмонсиз. Қайдан ҳам чангагингизга тушиб қолдим. Қанча-қанча йигитлар орқамдан зир югурардию, қолиб кетарди. Билиб қуйинг, мен ҳечам сиз уйлаган қизлардан эмасман.

— Э, сиз покизасиз. Гузалсиз, сизга апиришга кимнинг ҳақди сизарди.

— Ҳатто, биттаси бир кило олтин бераман, деган. Менга уғил туғиб берсанг булди, кейин турмуш қураминиз, деди ҳеч унамадим. Коммерсант, пули кўп эди.

— Ким экан у?

— Айтмайман. Биттасида. Лекин яқинимга йулатмадим. Вой, дарров шубҳаланасиз. Айтдимку, сиз бошқачасиз деб.

Абдиев Ҳуснорахонни яна кучоқлаб бағрига тортди. Лекин тилло ҳақидаги сузларни ҳеч унутолмади.

Орадан ойлар утди. Ҳуснора нечта йигит билан юрган булса, барини иширди. Лекин Абдиев сурайвергач, тиллони ким таклиф қилганини айтиб берди.

Улуғбек ишдан уйига кеч қайтди. Уйда утирган икки формали йигитни куриб, капалаги бироз учди. Булар бекорга келмаганлигини, албатта бир ишқалнинг бошини тутиб келишганини фаҳмлади.

Абдиев қуюқ сурашаркан, Улуғбекни четга тортди:

— Мана бу қизни танийсизми? — унинг қулида Ҳусноранинг расми турарди. — Сиз уни зурлаган экансиз, инспекциямизда аризаси турибди.

— Мен ҳеч қачон уни зурламаганман. Ҳатто тегинмаганман ҳам.

— Лекин бир оқшом бирга булгансизлар. Сиз уни алдаб тилла таклиф қилгансиз.

— Таклиф қилганман. Лекин у рози булмаган.

— Тиллалар қани?

— Аслида тилла булмаган.

— Демак, алдаб ишни битказмоқчи

булгансиз?

— Алдаб эмас.

— Сизни жинойи жавобгарликка тортамин.

— Дустим, туғрисини айттайми? Очиқчасига. Очиғини айтсам, мен буни ночорликдан қилганман. Мана ун йилки фарзандим йуқ. Бу молдунени нима қиламан. Тилла дейсиз, тилла топилар экан-у, фарзанд топилмас экан. Фарзанд доғида қуйганимдан, шундай қилмоқчи булганман. Иродасизлик мени шу куйга солди. Илоё, мен тушган куйга ит ҳам тушмасин.

— Хуш, тилла қани?

— Қанақа тилла?

— Ҳуснорага бермоқчи булганингиз?

— У аслида менда булмаган.

— Йуқ, булган. Ё тиллани берасиз, ёки аёл қилишни зурлаганликда айбланиб, қамалиб кетасиз. Сизга уч кун муҳлат.

Эшик қарсиллаб епилди.

Улуғбек уйда бошини чангаллаб утираркан, йуқ тиллонинг азасини тутиб эмас, фарзандсизлик доғида қуйган юрагининг укиригидан узини тутолмай йиглаб юборди...

Асқар РАҲМОН

Раҳима ЭШМАТОВА



ЮРАК СУЯНМОҚҚА СУЯНЧ ИСТАЙДИ

Йуқ у шоир эмас, у эди она...
Меҳрини шеър қилиб бита олмаган,
Кукси тула жавҳар эдию, аммо,
Фарзандин буйнига тақа олмаган.

Йуқ у шоир эмас, у эди она.
Ҳамон қалбимдадир кунгил нидоси,
Сунгги нафасгача бошимни силаб,
«Болам!» деб уқтирган видоси.

Йуқ у шоир эмас, у эди она.
Юрак суймоққа суйанч истайдиги эди она.
Боламнинг бошини силар дамда ҳам,
Нигоҳим онамни излайди.

Эҳ, у шоир эмас, у эди она.

ЮРАГИМДА ҚОЛ

Қалбимни бир умр бағишладим мен,
Сенга ер булолдим содик, вафодор.
Жуфти ҳалолим деб кунгил беролдим,
Сен ила гуллади қалбимда баҳор.

Гар ёнимда булсанг гаму-андух ёт,
Сен мангу қуёш бул, булин осмоним.
Оллоҳдан тилайман севгимга сабот,
О менинг таянчим, мангу посбоним.

Сен билан биргадир ҳаётим, шаъним,
Сенга бахт тилайман, тилайман иқбол.
Сен дилим ҳамрози, юланчим маним,
Севгилим, тобад юрагимда қол!

Шаҳрисабз шаҳри

Таҳририятга хат

Бутун баъзилар узини тижоратга уриб кетгани, эллаганлар шунинг орқасидан яхшигина даромад топаётгани ҳеч кимга сир эмас. Мен ҳам 1995 йили узимни тужжорликда сынаб курмоқчи булиб, дастлабки айланма маблағ учун қариндошларимиздан 50 минг сум қарз олдим. Кўпдан шу фаолият билан шуғулланиб юрган Гулшода Раҳимова исмли аёл мени «шоғирд»ликка оладиган булди. Унинг сузи билан 42 минг сумга ётоқхона чойшаби харид қилдим. Гулшода опанинг айтиши буйича, уларни Россияга элтиб икки бараварига пуллаб, каттагина фойда қилса буларкан. Кейинроқ суриштириб билсам, бу чойшаб-

НИГОҲЛАРДА Турмуш чорраҳаларида ҚОТГАН АЛАМЛАР

...Акмал билан Адолат турмуш қуришга аҳд қилишганида ҳеч ким уларнинг йўлига тўғоноқ булмади. Адолатнинг гузаллиги, хушқачқаклиги, нозли боқишлари Акмални мафтун этган эди. Катта сарф-харажат билан туй ҳам булди. Аммо орадан йиллар утиб оиладан тотувлик, файз-барақа кутарилди. Бу ҳол оила уч болали булганида ҳам давом этди. Кейин-кейин Адолат ишдан кеч келадиган одат чиқарди. Ишнинг куплигини пеш қиларди. «Улар булсам улиб булдим», дерди келган заҳоти сир бермай Адолат. Сунгра «бухгалтерлик ҳам галва-да», деб нолирди эрини овутиш учун. Агар Акмал хотинини туйда беҳаёларча рақс тушаётганда учратмаганида, унинг туйма-туй юрвчи сатанг эканлигига амин булганида, бу ҳолат ҳали кўпга чўзиларди.

...Уч фарзанд ҳам Акмалнинг қулида қолди. Адолат уйдан чиқиб кетгач, тракторчилик касбини ташлашга мажбур булди. Болаларни боқаман, деб қилмаган юмуши қолмади. Фарзандларини синглисига бериб, пахса қуйди, бетон қорди. Кичкинтойлар ҳам она меҳрини курмай, хола тарбиясида вояга ета бошлади.

Шундай пайтда мактаб-интернат Акмалнинг жонига оро кирди. Фарзандларини қишлоқ мактабига эмас, интернатга уқишга қуйди. Уларни баъзида уйига олиб келар, уйинатиб, жажжи қалбларидидаги укинчни бироз булса-да юмшатишга уринарди. Гудаклар бирорта боланинг онасини курса, унга ҳавас билан қарарди. «Менинг ойим келмадимми?» деган саволларига нима деб жавоб беришни билмай, эркак боши билан уксиб-уксиб йиғлади. Бошқага уйланмоқчи ҳам булди. Лекин уша «бошқа», бировнинг боласига қандай қараркан, дея бу фикридан қайтди.

Акмалнинг болаларига қарасангиз, гўё улар учун бу дунёда кулгу, қувонч, шодлик, табассум сингари масъум ва ширин туйғулар борлиги шубҳалидек. Негаки, уларнинг она меҳрига зор кунгилларида умид ва ишонч куртақлари ҳали гунча очмаган.

Акмал ака кузларига ёш олади. У варрак ушлаб турган қизининг мунгли жовдираган кузларига қарай олмади. Ахир, саволомуз боқиб турган кузларга, она меҳрига интиқ булган бола кунглига қандай таскин берсин.

Адолат-чи? Туйларда маст-аласт, қийқириб бегона эркакларнинг қулидаги арақ тула қадахни бир кутаришда бушатиб, беш сум пулни чеккасига кистириб кетадиган бу аёл кексайганда узига гамхўр, суйанчик топармикан?

Ғайрат БОБОҚУЛОВ,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси



«Ҳазонлар тўқилди кузнинг пойига»

Абду Ғани ЖУМА олган сурат

«УСТОЗ» ДАН КУЙИБ ҚОЛДИМ

ларни республика ҳудудидан олиб чиқиб кетиш мумкин эмас экан. Шунинг учун қонунга хилоф иш қилишни истамадим. Гулшода Раҳимованинг узи чойшабларни сотиб келадиган булди ва гувоҳлар олдида менга «Сайфиев Жамшиддан 42000 сум қарз олдим», — деган мазмунда тилхат ёзиб берди. «Устозим» шу кетганича сувга тушган топдек изсиз йуқолди. Уни яқинда — орадан икки йил утиб учратиб қолдим. Лекин менга «сени танимайман ҳам, пул ҳам олмаганман», — деди безарайиб. Ноилож тилхатни кутариб судга бордим, аммо у ерда «тилхат нотариус тасдиғидан утмаган экан», деб аризамни қабул қилишмади. Наҳотки тирик гувоҳлар нотариус муҳричалик қадрга ета булмасан?

Гулшода Раҳимова каби олғирлар менга ухшаган соддаларга «устозлик» қилиб, бор будини шилиб, ялло қилиб юрaverалдиими?

Жамшид САЙФИЕВ,
Бухоро вилояти,
Ғаждувон тумани,
М. Сайфуллаев кўчаси, 114-уй

Бўш вақтингизда

ЧАЙНВОРД

Ушбу чайнворд оладгиларидан сал фарқ қилади, яъни бунда биринчи сузнинг охириги ҳарфидан иккинчи суз бошланмайди. Олдинги сузнинг бир неча ҳарфларидан кейинги суз бошланиши мумкин. Масалан, биринчи суз «мақтаб», иккинчиси «табло» бўлса, «мақтабло» тарзида ёзилади. Бундай чайнвордда битта узун сузда бир неча суз ҳам яширинган бўлиши мумкин.

1. Пойтахт шаҳар ёхуд таниқли адиб. 2. Тегирмонни ёвуз аждар деб хаёл қилган ришар. 3. Гармсёл ва қум кучишидан сақлаш учун эқилган дарахтлар. 4. Сахийликда тенгсиз инсон. 5. Муътабар суз. 6. Алп Жамол асари асосида ишланган видеофильм. 7. Ер йулдоши. 8. Қозоғистоннинг янги пойтахти. 9. «Майсаранинг иши» асари қахрамони. 10. Олий лига футбол жамоаси. 11. Хорижий автобус маркази. 12. «Шоҳнома» қахрамони. 13. Шерий санъат тури. 14. Касаллик тури. 15. Ҳаргиз унга кунингиз қолмасин. 16. У куз ёшларга ишонмайди. 17. Чанқовбосди ичимлик. 18. Қизбола исми. 19. Рангсиз буюқ. 20. Илмий унвон. 21. «Тошбақа нинзялар» мультфильми қахрамони. 22. Сочсиз, ялтироқ бош. 23. Россиядаги футбол жамоаси. 24. Шоҳмоддаги ҳолат. 25. Румол, қўлқоп, пайпоқ кабилар туқиладиган майин жун. 26. Болтиқбуйидаги пойтахт шаҳар. 27. Кузойнакнинг пишаси. 28. Республикамиздаги банк. 29. Қобил бобо илтимос билан борган туралардан бири. 30. Эркин Воҳидов қасидаси. 31. Муйнали сув жонивори. 32. Ҳинд халқ достони. 33. Футбол жамоаси, республика чемпиони. 34. Утқир Хошимовнинг ёзишча, у қайтмайди. 35. Тиббиёт соҳаси. 36. Уйла, изла... 37. Инсон танаси қисмларидан бири. 38. Самолёт русумларидан бири. 39. Пеле уйнаган жамоа. 40. Европадаги пойтахт шаҳар. 41. Покистондаги шаҳар. 42. Республикамизда чош утлаидиган газета. 43. Жамоат транспорти тури. 44. Ойнадаги куриниш. 45. Француз автомобил маркази. 46. Овла мулкка олинган нарса. 47. Касаба уюмисаи газетаси. 48. Еввойи уг. 49. Мумтоз «сайд» сузнинг ҳозирги куриниши. 50. Азоб, қийинчилик. 51. Покистондаги машҳур тикувчилик фирмаси. 52. «Ибн» сузнинг қўлиги. 53. Қиз бола исми ёхуд гул номи. 54. Республикамиздаги шаҳар. 55. Биринчи навбатда яхшилик қилишимиз керак булган зот. 56. Қиз бола исми. 57. Уруғи овқатга хуш таъм бағишлайдиган усимлик. 58. Мумтоз адабиётда «ип, арқон» маъносидда қўлланган суз. 59. Японлар бу сузни ҳурмат маъносидда қўлланади. 60. Республикамизда гастролда булган хорижлик хўшовоз хонанда. 61. Қўйдўз кўни фонус кўтариб юрган файласуф. 62. Тирик мавжудотлар ва усимликлар насли ҳақидаги фан. 63. Табиат ҳодисаси. 64. Мансаб, лавозим. 65. Фаришта. 66. Афсоналарга қўра, унинг бошини қон тўла мешга солишган.

ЧЎПОННИНГ НАФАСИ

Пулат Бобоев деган чўпон утган. Бир кўни у киши даштдан қайтса, хотини хафа.

— Ҳа, Зулли?

— Шу десангиз, икки кундан бери бошим оғрийдди. Қўлмаган амалим қолмади. Татар мулладан битта тумор ясадиб келмасангиз бўлмайдди, чоғи. Тушимга кирди.

Эртасига Пулат ака хотинининг топшириғи эсидан чиқиб, отарга кетворди. Қайтишда бу гап эсига келди. Хуллас бир пасда оқ қоғозга лотин ёзувида «Берилди ушбу қоғоз шул ҳақдаким, Исмоил кизи Зулфиянинг бундан кейин

боши оғримасин, Татар мулла» деб битди. Уч бурчак қилиб буклади ва устидан эринмай латта билан тикиб чикди.

Туморни курғач, Зулфия холанинг чехраси очилиб кетди. Анча вақт боши оғримай юрди. Бир кўни сир очилиб қолди. Зулфия хола курка-писа туморни очса, эрининг хати бор экан.

— Бизнинг хўжайиннинг дами ҳам татар мулланикидан қолишмайди аслида, — дермиш у алданганини билдирмаслик учун.

Фармон **ТОШЕВ**, Самарқанд

1	2	3	4	5	6
19 20		21	22	23	24
	33	34	35		
		46	47	48	49
32	45	54	55	56	23 8
18			63	64	65
17	44	45	64	65	66
	43	53	63	64	65
		66	58	37	24
16	31	52	61	60	59
		51		50	39
		42	41	40	310
30	29	28	27	26	25
15	14	13	12	11	10

XX аср:
ҳодисалар
силсиласи

ҚАРИ БИЛГАННИ ПАРИ БИЛМАС

Хитой пойтахти Пекинда 20 млн. аҳоли яшаса ҳам 100 ёшни орта қолдириб умргузаронлик қилаётганлар бор-йўғи 50 нафарга яқин. 3 кўни уларнинг кўпчилиги овқатланишда унча-мунча бакуватвот одами ҳам доғла қолдиради. Масалан, 110 ёшни қоралаб қолган Го Бижу шакар, шоколад, мураббо, торт, пиринк-қулча кабиларни суйиб тановул қилади.

Урутвайликларни узок умр қўриш билан қўйил қолдириш мушкул. 3 миллион аҳолиси булган мамлакатда 90 ни уриб қўйганлар 20 миң нафардан зиёд, 100 билан юзлашиб турганлар эса 2 миң кишига яқин.

Аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ умр қўришади. Буни Япония мисоли ҳам исботлаб турибди. Бу ерда 100 ёшдан ошганлар сони 3000 дан сал зиёд бўлса, шундан тахминан 2,5 миңи аёллар экан.

Африка қитъасида уртача умр қўриш 50 ёшнинг пари берисиди. Лекин дуандалик Рус Изабел Машару айкалатлар 100 ёшлик доловни орта қолдирган.

Урта асрларда Шотландиянинг Глимник шаҳрида яшган Жон Митчелл уч асрни курган. Қандай қилиб дейсизми? У XVI аср охирида, яъни, 1596 йил туғилган. 126 йил умргузаронлик қилиб, 1722 йилда, яъни XVIII аср вафот этган.

Фаластинлик Абдул Фаттоҳ Нассор ат-Тумейзи 130 ёшида дорилбақога риҳлат қилди. Унинг ортида қолган угил-қизлари, неварачевара-ю эваралари 150 киши.



"Рангли Лок" фирмаси уз ҳамкорларига 50 йил давомида фахр билан атаб келинган эски номи **"ТОШКЕНТ ЛОК-БҮЁК ЗАВОДИ"** ни қайтариб олганини маълум қилади.

"Тошкент лок-бўёқ заводи" да ишлаб чиқарилаётган маҳсулот юқори сифатли, нархлари эса бозордагидан анча арзон.

- СОҲАДИ (нархи бир тоннаси учун, қўшимча қиймат солиғи билан бирга)**
- ПФ-115, ПФ-133 (турли рангларда) эмали - 160.000-220.000 сўм.
 - БТ-51 локи - 41.300 сўм.
 - ВД-АК-229 бўёғи - 53.000 сўм.
 - том учун бўёқ - 153.400 сўм.
 - КБ бўёғи - 35.400 сўм.
 - ГФ - 0163 - 118.000 сўм.
 - НЦ - 219 локи (мебел учун) - 298.000 сўм.
 - "Оксол" олифи - 150.000 сўм.
 - МА-22 (очик зангори бўёқ) - 200.600 сўм.
 - Йўлларга чизишда ишлатиладиган эмал - 177.000 сўм.
 - ПФ-191 оқ эмал - 224.000 сўм.
 - ПФ-223 оқ эмал - 224.000 сўм.
 - ПФ-226 эмали (пол учун) - 218.000 сўм.
- Маҳсулотлар сановат идишлари (бочкалар) да

- ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА СОҲИБ ОЛАДИ:**
- Глиссерин
 - Метал цинк
 - 0,8 ККШн пўлат тунука, 0,5 мм, 0,8 мм, 1 мм
 - Пигментрит
 - Фтал ангидрид
 - № 25 лқ оқ тунука
 - Пулат чиқитлар (лом)
 - Пулат тунука қалини

ТЕЛ: 68-73-32, 68-39-74, 35-34-54

ТЕЛ: 68-79-45

Манзил: Тошкент. Содиқов кучаси, 9.

хўракетчилар

Оила ва жамият

Муассисларимиз: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамгармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамгармаси

БОШИ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Телефонлар: Бош муҳаррир - 133-28-20, Котибият - 34-86-91, Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент - 700000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176, ташкилотлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0760
28943 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоиси эркин нарҳда.
Навбатчи Даврон БЕК

Шioriимиз:
Оила - жамият фахри

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 19.30